

БУХОРОДА ИТАЛИЯНИНГ ЕТАКЧИ УНИВЕРСИТЕТЛАРИДАН БИРИНИНГ ФИЛИАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Неаполь шаҳрида Бухоро вилояти делегацияси ҳамда Кампания университети раҳбарияти ўртасида Бухоро шаҳрида Италиянинг нуфузли олий таълим муассасаларидан бири — Луиджи Ванвительли номидаги Кампания университетининг филиалини ташкил этиш бўйича меморандум имзоланди.

Биз ва жаҳон

Учрашувда Ўзбекистоннинг Италиядаги элчиси Отабек Акбаров, Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари Мирали Хамроев, Бухоро давлат тиббиёт институти ректори Шухрат Тешаев, Бухоро муҳандислик-технология институти ректори Нусратилла Баракаев ва Бухоро давлат тиббиёт институти проректори Ахатжон Насуллаев, Кампания университети ректори Жанфранко Николетти, университет проректори Луиджи Маффей, университет халқаро бўлими бошлиғи Серджи Минуччи ҳамда турли факультетларнинг вакиллари қатнашди.

Бухоро шаҳрида Кампания университети филиалини очиб билан боғлиқ ташкилий масалалар муҳокама этилди. Имзоланган келишувга асосан филиалда университетнинг ўқув дастурлари асосида қурилиш, архитектура, либос дизайни, олий ҳамширалик йўналишларида бакалавр ҳамда магистрлар тайёрлаш йўли қўйлади. Шунингдек, Бухоро вилоятида мавжуд эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда чарм ва тери маҳсулотларини қайта ишлаш, тиббиёт, фармацевтика ва бошқа мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш таклифи ўртага ташланди.

рада ишларни янада жадаллаштиришга келишиб олинди. Кампания университети ҳамда Бухоро вилояти олий таълим муассасалари ўртасида икки томонлама профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашувини йўлга қўйиш, турли илмий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳам келишиб олинди.

Кампания университети профессор-ўқитувчилари "Дунё" ААга Ўзбекистон билан ҳамкорликка доир фикр-мулоҳазаларини сўзлаб берди.

Луиджи МАФФЕЙ, Кампания университети вице-ректора, профессор:
— Ўзбекистон ва Италия ўртасида, жумладан, таълим муассасаларимиз ўртасидаги ҳамкорлик йўлида муҳим босқич бўлди — нуфузли олий ўқув юртимиз архитектура, муҳандислик, тиббиёт соҳасига оид иккита шартнома имзоланди.

Серджи МИНУЧЧИ, Кампания университети халқаро алоқалар бошқармаси бошлиғи, профессор:
— Бухоро вилояти, у ерда жойлашган муҳандислик ва тиббиёт соҳаларига ихтисослашган таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатилди. Муҳандислик ва тиббиёт йўналишлари бўйича қўшма факультетларда ўқувчилар ушбу соҳалар бўйича икки даражада диплом олиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари у ерда ҳамширалик, мода ва дизайн ҳамда архитектура йўналишларида ҳам таълим берилади.

Италияга таклиф этиш ҳамда икки томонлама диплом асосида тахсил олаётган талабаларнинг Кампания университетига ўқишини амалга оширишга тайёрлигини билдирди. Томонлар, шунингдек, таълим соҳасида бошқа истиқболли масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди.

Алессандра ЧИРАФИЧИ, Кампания университети дизайн ва мода бўйича бакалавр курси раҳбари, профессор:
— Мен Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари билан ишлаб чиқариш йўналишида ҳамкорлик ўрнатиш бўйича музокаралар олиб бордим ва бу биз учун жуда қизиқарли соҳа эканини таъкидламоқчиман. Келгуси йилнинг баҳорда Кампания университети делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи давомида ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича учрашувлар ўтказамиз.

«Ванвительли» дея номланган филиалини ташкил этилишига умид қиламиз ва бу Бухоро билан ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқишига ишончим комил.
2022 йил баҳорда Кампания университети делегациясининг Бухорога ташрифи режалаштирилган. Унинг доирасида ҳамкорлик истиқболлари бўйича музокаралар ўтказамиз.

«Дунё» АА.
Рим

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МЕҲРДАН КЎНГИЛЛАР ШОДОН

Анджон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги ногирон болаларга мўлжалланган «Мурувват» интернат уйида Фотима-Зухра исмили сиам эгизаклари истикомат қилади. Бугун улар ҳар қачонгидан кўпроқ қувончга тўлган кун бўлди: хурсандчиликдан шеър, қўшиқ ижро этибгина қолмасдан, бошқа тарбияланувчилар билан биргаликда рақсга ҳам тушдилар. Боиси бу ерга Халқаро ногиронлар куни олдида меҳмонлар ташриф буюрди.

— Ҳар йили 3 декабрь муҳим сана сифатида нишонланади, — дейди Махбурий ижро бюроси Анджон вилояти бошқармаси катта инспектори Ойиста Абдурахмонова. — Сана муносабати билан жамоамиз билан ушбу масканда бўлиб, болаларга яратилган шaroитлар билан танишдик, уларнинг ютуқларини тарғиб қилиш, муаммолари бўлса, амалий ёрдам кўрсатишни ихтиёр этдик.

— Чунки улар зиммасига жуда катта масъулият юкланган. Тасаввур қилинг, бу ердаги кўпга болажонлар бир умр тўшакка миҳланиб қолган. Уларни ювинтириш, кийинтириш, овқатлантириш, муолажаларини олишига ёрдам бериш, амалий машғулотлардаги иштирокини таъминлаш шу масканда меҳнат қилаётган опа-сингилларимиздан сабр-тоқат, куч ва матонатни талаб этади. Ўз рўзгоридан, ўз фарзандлари тарбиясидан ортиб, шу ерда ногирон болалар атрофида кечани кеча, кундузи кундуз демая парвона бўлаётган бу инсонларга ҳар қанча таъзим қилсак, арзийди.

ЭЪЛОН

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРAT БАНКИ КРЕДИТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамаиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 20-моддасига мувофиқ қуйидагиларни маълум қиламиз.
«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки акциядорларининг 2021 йил 25 ноябрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори билан Банк устак капиталы 2 000 368 455 052 сўмдан 2 197 142 422 212 сўм миқдорига камайтирилди. Кредиторлар банк устак капиталини камайитириш тўғрисида ўзларига билдирши юборилган санадан бошлаб (хабар эълон қилинган санадан эътиборан) ўттиз кундан кечиктирмай банкдан ўз мажбуриятлари муддатидан олдин бажарилишини ва устак капитални камайитирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли.
Қўшимча маълумотларни банкнинг корпоратив веб-сайти (www.mikrokreditbank.uz) ёки 71-202-99-99 (1315, 1317) телефон рақамлари орқали олишигиз мумкин.



«НОЛЬ» ҚИЙМАТИ ЯРАТАЁТГАН УЛКАН МИҚДОРЛАР

Президентимизнинг 2018 йил 5 июндаги қарорига кўра, «Навий» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида фаолиятини бошлаган тадбиркорлар ва инвесторлар учун солиқ ҳамда божхона тўловларидан озод бўлишдек бир қатор имтиёзлар жорий этилган эди. Қўзланган мақсад кундек равшан — давлат мулки бўлган объектлар ва ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмини ошириш ва янги иш ўринлари яратишдан иборат.

ҳам тўлиқ автоматлаштирилган технологияларга таянган бўлиб, 250 иш ўрни яратилди. Ушбу лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигига тўхталадиган бўлсак, биринчи лойиҳа ўзининг 70 турдаги темир-бетон маҳсулотлари билан қатор қурилиш материаллари импортини камайитириш билан, иккинчи лойиҳа маҳсулотлари гиштга нисбатан тўрт баравар энгиллиги ҳамда пишиқлиги билан қурилишларда самарадорликни таъминламоқда.

Интилиш

Мазкур қарор ижроси доирасида «Навий» эркин иқтисодий зонаси ҳудудидан «Zarafshon Golden Group» компаниясига инвестиция мажбуриятларини бажариш шарт билан 5,5 гектар ер майдони бино ва иншоотлари билан «ноль» харид қийматида ажратиб берилди. — Компаниямиз ўз инвестиция мажбуриятлари асосида 19 миллион АҚШ дол-

лари миқдоридан 2 та ийрик лойиҳани амалга оширди, — дейди корхона директори Зайниддин Раззоқов. — Биринчиси, Испания давлатидан келтирилган технология асосида темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси бўлса, иккинчиси, Хитой технологияси асосида автоклавли газобетон маҳсулотлари тайёрланадиган заводдир. Ҳар иккала лойиҳа

Аслида «ноль» агар олдида бошқа натурал рақам бўлмаса, ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Бизнинг мисолимизда эса «ноль» харид қийматида берилган имконият амалда миқдор сон ортидаги бир неча ноллик рақамлардан иборат юқори даромадларни келтираётир.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

«Ўзмиллийбанк»: ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИЗЧИЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳамда унинг юртимиз иқтисодий ўсишидаги улушини ошириш учун кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2021 йил 11 майдаги «Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазкур соҳа ривожини янада жадаллаштирди. Бунга мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан таништириш мақсадида «Ўзмиллийбанк» АЖ томонидан яқинда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Самарқанд вилоятига уюштирилган пресс-тур давомида яна бир қарра амин бўлди.



билан сўхбатда. — Айни пайтга келиб, банкдан олинган кредит ёрдамида умумий овқатланиш объектларини 3 тага етказдик. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 50 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Молия муассасаларида

O'ZMILLIYBANK

Дастлаб иштирокчилар аҳолига сифатли ва замонавий меҳмонхона хизматини тақдим этиб келаётган «ZIOL-BAXT» МЧЖ фаолияти билан яқиндан танишди. Биламиз, Самарқанд юртимиздаги кўп асрлик тарихга эга ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бу қадим шаҳарга маҳаллий ва чет эллик сайёҳлар оқими доимий равишда ортиб бормоқда.

Самарқандга ташриф буюрувчи сайёҳларга сифатли меҳмонхона хизматини кўрсатиш мақсадида «ZIOL-BAXT» МЧЖга меҳмонхона қуриш ва жиҳозлаш учун «Ўзмиллийбанк» АЖ томонидан 2 миллиард 400 миллион сўм миқдоридан кредит маблағи ажратилди. — Меҳмонхонамиз 100 ўринли бўлиб, 15 нафар ходим хизмат қилади, — дейди меҳмонхона менежери Олмос Ашуров. — Банкдан олинган кредит ҳисобига 200 ўринли меҳмонхона қуриламиз. У фойдаланишга топширилган, хизмат кўрсатиш ҳажми янада ортиб, бир нечта иш ўринлари яратилади.

кони беради. Инновацион ишланмалар паст нурлини таъсирида сканерлашни амалга оширишга ёрдам беради. Вилоятларда шу каби замонавий диагностика марказларининг ташкил этилиши аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириши билан эътиборга молик.

бу бундан бирга, вилоятнинг олис ҳудудида жойлашган Зарми-тан қўрғониди ҳамда Пайариқ тумани ва Самарқанд шаҳар Қорасув массивида биттадан банк хизматлари маркази ташкил қилинаётир.

Абдулқошир ЙЎЛДОШЕВ. Хизматлар лицензияланган.

Ўқувчиларнинг билими замонавий ПЛАТФОРМАЛАР ОРҚАЛИ ЯНАДА БОЙИТИЛАДИ



Қўқон университетида Вазирлар Маъжамаси ҳузурдаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Фанлар академиясининг Математика институти, Қўқон шаҳар прокуратураси ҳамда Финляндиянинг «SkillGrower» компанияси билан ҳамкорликда «Ёш авлоднинг математик билим ва кўникмаларини таълим платформалари ва сунъий интеллект (AI) технологиялари орқали ривожлантириш истиқболлари» мавзусида вебинар-тренинг бўлиб ўтди.

Анжуман

Баркамол авлоднинг математик билимларини замонавий онлайн платформалар ва сунъий интеллект технологиялари орқали янада кучайтириш кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўтказилган вебинарда университет жамоасидан ташқари Қўқон шаҳридаги умумтаълим мактаблари директорлари, математика фани ўқитувчилари, ўқувчи ва талабалар қатнашди.

Вебинар-тренингда «SkillGrower» компанияси асосчиси, 2019 йилда ўтказилган «Энг яхши стартап» танлови голиби, халқаро даражадаги математик Паси Савола «SkillGrower» платформасининг имкониятлари, ундан фойдаланишнинг усул ва воситалари, Фанлар академияси Математика институти директо-

ри ўринбосари, таржимонлар ишчи гуруҳи раҳбари Фолибжон Ботиров «SkillGrower» платформасидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш ва унинг имплементациясини амалга ошириш йўллари» мавзуларида тақдимотлар ўтказди. Финляндиянинг Ўзбекистондаги фахрий консули Алишер Жўраев «Ижтимоий йўналтирилган бизнес лойиҳанинг келажакдаги имкониятлари» хусусида батафсил маълумот берди.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН РИВОЖИ

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ



Кузатувчи эмас, иштирокчи бўлиш зарур!

Тараққиётнинг асоси — илм-фан. Айниқса, инновациялар асрида бу ҳал қилувчи омил. Инсоният бир парча металлдан ҳатто, сунъий идрок яратишга муваффақ бўлаётган бир даврда бу жараёнларни шунчаки четдан томошабин бўлиб кузатишнинг, табиийки, ютқазди.

Бугун бирор мамлакатда илм-фан қай даражада ривожланганини билиш учун ўша давлатдан экспорт қилинадиган юкори технология воситалари салмоғини таҳлил этиш кифоя.

Масалан, Покистоннинг бир йиллик экспорт товарлари таркибида юкори технологиялар улуши бор-йўғи 1 фоизни ташкил этади. Саудия Арабистони, Мароккаш, Кувайт, Жазоирда эса аҳоли янада ачинарли. Ушбу мамлакатлар экспортнинг атиги 0,3 фоизгина юкори технологиялар ҳиссасига тўғри келади. Ваҳолики, Сингапурда ушбу кўрсаткич 58 фоизга тенг.

Хулоса аниқ: Шарқ олами илм-фан имкониятларидан амалда фойдалана олмапти. Зеро, келажак бизга тегишли бўлсин, десак, аввало, эътиборимизни илм-фан, таълим-тарбия ривожига қаратишимиз шарт! Фақат шу орқалигина яна биз дунёнинг энг тараққиёт этган мамлакатлари, энг фаровон жамиятлари сафига қўшилишимиз мумкин. Акс ҳолда, ҳали-ҳануз вазият ўзгармайди. Бу Ўзбекистонга ҳам тегишли муаммо.

Бозор қонунлари — шафқатсиз

Ривожланган мамлакатларнинг аксариятида таълим, бу — бизнес. Аслида, мазкур тизим даромадли соҳага айлангангина рақобатбардошлик касб этади. Шу маънода, кейинги йилларда Ўзбекистонда таълим тизимига нодавлат ва хусусий секторнинг кириб келаётгани ижобий ҳолат.

Энди давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасидаги рақобат тизимини ривожланишини таъминлайди. Таълимда ҳам бозор қонунлари ишлай бошлайди. Бозор қонунлари эса жуда шафқатсиз — унда натижа муҳим. Натижа рақобатбардош маҳсулот яратилсагина, ижобий бўлади. Бу жараён эса малакали кадрлар тайёрлаш билан амалга ошади.

Демак, таълим хизматлари бозорининг маҳсули — инсон капитали. У замонавий иқтисодиётда тобора қиммати ошаётган ресурслар. Шу боис таълим бизнеси бу маъсуллик ҳарактер касб этадиган эмас, балки борган сари ривожланадиган даромадли фаолият тури ҳисобланади.

Аммо Ўзбекистон шароитида, Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимиз аҳолисининг 12 — 15 фоизни камбағал шароитда кун кечирётган

ҳозирги кунда таълим ислохотларида ижтимоий ҳимоя масаласи, албатта, назарда тутилиши керак. Ва шундай бўлапти ҳам! У нималардан кўзга ташланади?

Киска муддатда қарийб икки баробар ўсиш!

Янгича мазмун ва шаклда очилаётган Президент ва ижод мактаблари давлат бюджетидан молиялаштирилади ва у ерда ўқиш текин. Қобилиятли ўқувчиларни саралаб олишнинг очик ва ошқо-ра механизми амалда. Шу асосда ўқишга қабул қилинган ўқувчилар турли ижтимоий қатлам вакилларининг фарзандларидир.

Тан олиш керак, кейинги тўрт йилда олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илми бўламан, деган, юрғида ўти бор, шижоатли ёшларимизнинг тахсил олиши учун барча қулайликлар яратилмоқда. Шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини келгусида 50 — 60 фоизга етказиш вазифаси қўйилган.

Бироқ олий таълим қамровини ошириш тўлов-контрактга боғлиқ бўлиб қолмаслиги зарур. Шуни ҳисобга олиб, олий

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г.В. Плеханов номи Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиаллари, пойтахтимиздаги Турин политехника университети, Пучон университети, Аджу университети, Амита университети, Шарда университети, Вебстер университети, Сингапур университети, Латвиянинг Акборот тизимлари менежменти Олий мактабининг Фарғона шаҳридаги филиали, Россия давлат хисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университетининг Самарқанд шаҳридаги филиали ҳамда бошқалар очилгани Ўзбекистон таълим соҳасида Марказий Осиёнинг халқга айланган бораётганини тасдиқлайди.

Президент қандай вазифа қўйди?

Юртимизда хорижий олий таълим муассасаларининг қўйилиши соҳада соғлом рақобатни пайдо қилиб, илгор хорижий таълим билан ўзлаштириш имконини беради. Шундан келиб чиқиб, Президентимиз таълим тизимини рақобатли олдига қатор устувор вазифаларни қўймоқда.

“Энди давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасидаги рақобат тизимининг ривожланишини таъминлайди. Таълимда ҳам бозор қонунлари ишлай бошлайди. Бозор қонунлари эса жуда шафқатсиз — унда натижа муҳим. Натижа рақобатбардош маҳсулот яратилсагина, ижобий бўлади. Бу жараён эса малакали кадрлар тайёрлаш билан амалга ошади.”

ўқув юртарига давлат грантларини 2 баробар қўлайитириш кўзда тутилмоқда. Президентимиз яқинда матбуотга берган интервьюсида шу ҳақда тўхталар экан, мамлакатимизда юкори билим ва малакага эга бўлган, рақобатдош кадрлар тайёрлаш мақсадида олий таълим муассасалари сони 141 тага етказилгани, 26 та хорижий университет ва институт филиаллари очилганини қайд этди. Холбуки, 2016 йилда республикамиздаги олий ўқув юрталари сони 77 та эди.

“Киска муддатда бу борада қарийб икки баробар ўсишга эришганимиз, ҳеч шубҳасиз, ёшларимиз, бутун жамиятимизнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, замонавий билим, касб-ҳунарларга янада яқинлаштириш йўлидаги ҳаракатларимиз натижасидир”, деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари.

Жумладан, олий таълим билан қамров даражасини босқичма-босқич ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш лозим. Уқув юктамалари оптималлаштириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий қилиш, олий таълим муассасаларининг молиявий мустақилигини таъминлаш талаб этилади. Таълимда нодавлат ва хусусий секторнинг ролини ошириш, тизимни коррупциядан холи соҳага айланитириш ҳамда нуфузли чет эл университети ва институтлари билан ҳамкорликни қучайитириш ҳам шундай долзарб вазифалар сирасидандир.

Энг асосийси, тизим ҳодимларининг замонавий таълим талабларига тўлиқ жавоб беришига эришиш лозим. Шунингдек, мактаб ўқув дастурларини илгор хорижий таълимга асосида такомил-



лаштириш, ўқув юктамалари ва фанларни қайта қўриб чиқиш, уларни халқроқ стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш бўйича ҳам қатор вазифалар мавжуд. Бу эса, аввало, тизим раҳбарларидан замонавий фикрлаш ва чет эл амалиётини яхши билишни талаб қилади.

Мамлакатимиз раҳбарининг “Эл-юрт умиди” жағғармаси томонидан 700 дан зиёд олимлар, профессор-ўқитувчиларни хорижга илмиий изланиш ва малака ошириш учун юборишига доир кўрсатмаси замирида худди шундай эзгу мақсадлар мавжуд.

Қолаверса, педагогик таълимнинг 6 йўналиши бўйича ўқиш муддати уч йил қилиб белгиланиши олий таълим тизимига ўқув юктамаларини оптималлаштириш билан боғлиқ жиддий кадам бўлди.

Қабул квотаси нега паст эди?

Олий таълим тизимидagi ўзгаришлар салмоғи катта. Улардан энг муҳими, мамлакатимизда университетлар сонининг ошганидир!

Эътибор беринг, икки йил аввал аҳолиси биздан икки баробар кам бўлган Қозғистонда университетлар сони Ўзбекистондагидан икки баробар кўп ва мутаносиб равишда университетларга қабул даражаси Қозғистонда 45, Ўзбекистонда эса 10 фоизга тенг эди.

Мана, 2017 — 2019 йилларда анги-янги университетлар очилди. Яқин келажакда эса олий таълим олим ёшларимизнинг ораси эмас, балки қатъий режасига айланади.

Коррупция — тараққиёт кушандаси. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари поймол бўлишига олиб келадиган иллат. Таас-суфки, асрлар ўтса-да, башарият бу глобал муаммодан тўлиқ халос бўлганга йўқ. Хусусан, ана шу хатар турфайли яқин-яқингача таълим тизимимизда ҳам оқсаш кузатилди. Ваҳолики, аждоларимиз илмиий ибодат қўқисси, деб бил-лишган. Амир Темур бобомиз эса Мовароуннаҳрга ўз даврининг етуқ илм соҳибларини йиғиб, ёшларга таълим бери-лиши йўлга қўйган. Бироқ афсуски, куз-қў йиллар давомида биз мана шу ибратли одатни давом эттирма олмадик.

Энди-чи? Тизимда қандай қувончли муждалар бор?

Ютуқларга махлиё бўлиш фурсати эмас!

Адолат ҳар соҳада устувор мезонга ай-ланиши шарт! Президентимизнинг талаби шундай! Бу тамойил таълим тизимига ҳам кенг татбиқ этилган. Мана, сўнгги йил-ларда олий ўқув юрталарига қабул имти-хонлари янада шафқофлашди. Натижада пухта билим олган, ўз кучига, билимига ишонган ёшлар талабалар сафига қўшил-моқда. Улар учун давлат томонидан турли имтиёзлар ҳам бериляпти. Халоллик, одил-лик сиёсатининг мевалари бўлган бу ёшлар яқин истиқболда ўз ҳолини беради, деб ишон-б билдирас бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепция-сини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони соҳа ривожига айни мудоаа бўлди. Маз-кур ҳужжатда юртимиздаги олий таълим-ни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишларини белгиланган, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фа-зилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юкори малакали кадрлар тайёрлаш жа-раёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илгор таълим технологиялари-га асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқти-содиёт тармоқларини ривожлантириш ус-тувор мақсад этиб белгиланди. Шунинг-дек, республикамиздаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқроқ эъти-роф этилган ташкилотлар (Quasquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education eki Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 талик, Ўзбекистон Миллий универ-ситети ва Самарқанд давлат универси-тетини эса биринчи 500 талик рўйхатига киритиш белгиланди. Бу эса профессор-ўқитувчиларимиз зиммасига улкан масъ-улият юклайди.

Зотан, шу пайтгача мамлакатимиздаги бирорта олий ўқув юрти жаҳоннинг ривож-ланган “ТОП — 1000” талик университет-лари рўйхатидан жой эгалламаган. Бунга эса кўп йиллар мобайнида тизимда амал қилган коррупция, қабул имтихонларидаги адолатсизликлар сабаб бўлди. Натижада минглаб малакали кадрларни бой бердик. Энди эса бунга ҳаққимиз йўқ.

Дунёда воқеалар ривожини навбатдаги ўйғониш даври Шарқдан бошланишидан далолат берапти. Айниқса, таълимга куч-ли эътибор бериляётган, қадимдан илм-фан, маданият бешиги бўлган Марка-зий Осиёнинг урғи турган юраги бўлмиш Ўзбекистон учинчи Ренессанс-нинг марказига айланishi шубҳа йўқ.

Асосийси, бунинг учун уч-тўрт йилда эришган ютуқларимизга махлиё бўлмай, олға босишда давом этишимиз шарт.

Байрам ОТЕМУРАТОВ,
Ажниси номидаги Нукус давлат педагогика институтини ректори,
физика-математика фанлари доктори.

Наманган томонлари

Кеча Наманган халқроқ аэропортига Россиянинг “Smartavia” авиакомпаниясига қарашли ҳаво кемаси келиб қўнди.

Санкт-Петербургда авиақатновлар йўлга қўйилди

Ушбу дастлабки рейсда “Boeing-737” русули ҳаво кемаси Санкт-Петербургда — Наманган — Санкт-Петербургда йўналишида йўловчиларни манзилга етказди. Энди бундай парвозлар авиакомпания томонидан ҳафтанинг ҳар пайшанба куни амалга оширилади.

Маълумот учун, “Smartavia” авиакомпанияси шу кунга қадар Наманганга фақат чартер рейсларини амалга ошириб келган.

IATA (Халқроқ ҳаво транспорти ассоциацияси) 2021-2022 қиш мавсуми парвозлар жадалига мувофиқ, бугунги кунда Россия Федерациясининг “S7 Airlines”, “Ural Airlines”, “Smartavia” авиакомпаниялари Наманганга мунтазам қатновларни йўлга қўйган.

Аёллар манфаатини таъминлашда ННТ иштироки муҳим

Наманган вилоятида фаолият олиб бораётган “Мен ва оилам” жамоат бирлашмаси хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашиш борасида самарали лойиҳаларни амалга ошириб келаётган нодавлат ташкилотлардан бири.

Бирлашма яқинда халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши ҳузурдаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ижтимоий буюртмалар танловида голиб бўлиб, 340 миллион сўмлик грант маблағига эга бўлди.

Лойиҳага кўра, Тўрақўрғон туманида Маҳаллий ривожлантириш маркази ташкил этилиб, унда олти йўналишдаги икки ойлик курсларга 420 нафар ишсиз, уюшмаган ёшлар ва хотин-қизлар касбий кўникмаларни эгаллашга йўналтирилади.

Бугун Тўрақўрғонда Маҳаллий ривожлантириш марказининг очилиш маросими ўтказилди. Тадбирда сўзга чиққанлар аёлларнинг жамият ва оиладаги ўқини янада мустақамлаш борасида олиб бориляётган ишларда нодавлат ташкилотларнинг ҳам ташаббускорлиги ва фаолияти йани зарурат эҳтисоби урғу берди. Курснинг илк тингловчилари бугуннинг ўзидек дастлабки амалий машғулотларни бошлаб юборди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

ТАДБИРКОРЛАР РЕВОЛЬВЕР КРЕДИТ ТАРТИБ-ТАМОЙИЛЛАРИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШИЛДИ

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан Андижон ва Фарғона вилоятларида тадбиркорлар учун револьвер кредитларнинг тартиб-тамоийллари ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигига бағишланган семинар ташкил этилди. Унда нафақат банк масъулларининг тақдироти, балки револьвер кредитлар ҳисобидан ўз фаолиятини кенгайтириб бораётган тадбиркорлар ҳам ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.



Тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналиши сифатида ҳукуматимиз томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда. Айниқса, пандемия даврида соҳа субъектларига берилган турли преференциялар, банк, солиқ, боғжона тизимидagi имтиёзлар уларни эҳтимолий зарарлардан сақлаб қолишга омил бўлди.

Президентимиз раислигида 8 апрель кўни тадбиркорликни ривожлантириш ва жорий йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси бўйича устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган видео-селектор йиғилишида ушбу йўналишда кўрилган чоралар натижаси таҳлил этилиб, соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, 2020 йилда “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан тадбиркорлик субъектларининг айланма маблағларини тўлдирish учун 65,5 мингдан зиёд кредит буюртманомаларига асосан 31,1 триллион сўмлик кредит маблағлари ажратилган. Жорий йилнинг 9 ойи давомида эса 31 мингдан ортқ кредит буюртманомаларига мувофиқ, 25,4 триллион сўмлик кредитлар ёки 2020 йилнинг мос

давридаги нисбатан 23 фоизга кўп маблағлар ажратилди. Шундан 7,4 триллион сўми экспортчи корхоналар улушига тенгдир.

Банкнинг Андижон ва Фарғона минтақавий филиаллари томонидан ташкил этилган худуд тадбиркорлари иштирокидаги семинарда мамлакатимизда бизнес юритиш шарт-шароитларини янада яхшилаш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш ва уларни зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш борасида олиб бориляётган ислохотлар мазмунини ҳақида сўз юритилди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан ҳар йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид янги Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, соҳага доир янгича механизмлар жорий қилинади, — дейди “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Фарғона минтақавий филиали бошлиғи Қодиржон Эркабоев. — Бугунги семинарда тадбиркорларга Президентимизнинг жорий йил 21 апрелдаги “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига би-

ноан Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жағғармаси ҳамда Экспортчи рағбатлантириш агентлиги томонидан тақдим этиляётган имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Револьвер кредит ва унинг тартиб-тамоийллари билан яқиндан таниширилди.

Молиявий лугатларда келтирилишича, РЕВОЛЬВЕР КРЕДИТ — бу жаҳон молия бозорига энг кенг тарқалган кредит тури ҳисобланади. Бундай кредит банк билан битим тузган мижозларга қўшимча музокараларсиз, келишилган қарз лимити доирасида ва тўлов муддатларида автоматик тарзда берилади. Яъни мижоз тузилган шартнома асосида банк лимити доирасидаги кредит миқдоридан фойдаланади ва у қайтарилиши билан шу суммадаги янги қарзини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда ҳаражат — қайтарини — тикланиш тарзидаги пул айланмаси келишилган муайян муддат давомида исталганча такрорланиши мумкин.

Айтиш жоизки, банкнинг худудий филиаллари томонидан тадбиркорларга

айланма маблағларни тўлдирishга мўлжалланган револьвер кредитлар бўйича тавсия ва амалий кўмак доимий равишда бериб келинмоқда.

Банкнинг Андижон минтақавий филиали томонидан шу йилнинг ўтган даври давомида юридик шахсларга 191 365 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Шундан 1 823 000 АҚШ доллари миқдоридagi кредит маблағи 4 та тадбиркорлик субъектига Экспортчи рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан тақдим этилди. Жумладан, тўқимачилик йўналишида фаолият юритувчи “Nil-Granit” корхонаси 26,0 миллион сўм эквивалентда, қурилиш соҳасига итхисослаштирилган “Мадад инвест элит” масъулияти чек-ланган жамияти 10,0 миллион сўм,

12,0 миллион сўм ҳажмида айланма маблағлар билан таъминланган.

— Етти йилдан буён “Ўзсаноатқурилишбанк” мижозимиз, — дейди тадбир иштирокчиларидан бири Ф.Маъруфов. — Банк томонидан мунтазам равишда тадбиркорлар учун янги хизматлар тақдим этиб келинмоқда. Хусусан, 2020 йил пандемия даврида корхонамизга айланма маблағларни тўлдирish мақсадида 1 миллион сўмлик револьвер кредит ажратилди. Ушбу кредитдан унумили фойдаланиб, фаолиятимизни янада ривожлантиришга эришдик. Биз мазкур банк билан ҳамкорлигимиз шу йўсинда — ўзаро ишонч руҳида давом этишга умид қилами.

Семинар давомида иштирокчилар револьвер кредитдан фойдаланган банкнинг узоқ йиллик мижозлари тажрибалари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди.

— Аввало, пули бор киши тадбиркорликка қўл уради, — дейди тадбиркорлардан яна бири Ф. Қосимов. — Лекин четдан қўшимча сармоа жалб қилинса, нур устига аъло нурдир. Чунки биз-несини йўлга қўйиб олиш учун ҳам бино, ҳам технологик ускуналар, ҳам ҳам ашё ҳаражатлари кўпчиликка қийинчилик туғдиради. Бундай вазиятларда банкларнинг мадад бўлиши биз, тадбиркорларга анчайин энгиллик бермоқда.

Айланма маблағларни тўлдирish учун револьвер кредитларини ажратиш бўйича “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Фарғона минтақавий филиали томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ху-

сусан, 2020 йилда 113 миллион 840 миллион сўмлик кредитлар қарийб 40 та кредит буюртманомаси асосида берилган бўлса, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида бу кўрсаткич 115 миллион 961 миллион сўмига ташкил этди.

Маълумотларга кўра, йил якунига қадар яна 7 та тадбиркорлик субъектига 68 миллион 700 миллион сўм, 5 та экспортёр корхонага эса 38 миллион 700 миллион сўмлик ана шундай кредитлар ажратиш кўзда тутилган.

Тадбир давомида банк тизимида тадбиркорларга мўлжалланган бошқа хизматлар хусусида ҳам маълумот берилди. “Экспортчи рағбатлантириш”, “Инвест”, “Еш тадбиркор”, “Аёл тадбиркор”, “Тараққиёт” каби 10 дан зиёд кредит маҳсулотлари бўйича тақдимотлар ўтказилди.

Ҳар қандай тадбиркор ўз бизнесини кенгайтириш, қўшимча линияларни ишга тушириш, янги иш ўринлари яратиш, дунё бозорига чиқиш учун молиявий кўмакка эҳтиёж сезади. Револьвер кредит тури соҳа субъектларини айни шу йўналишда қўллаб-қувватлаш, уларга доимий молиявий кўмак беришга йўналтирилган энг самарали механизмдир. “Ўзсаноатқурилишбанк” мижозларини мазкур йўналишда қўллаб-қувватлашда давом этади. Тадбиркорлар билан учрашувлар республикамизнинг ҳар бир худудига ўтказилади.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1248. 28 151 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тадбиркорлик келган қўбемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг оқказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тадбиркорлик компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг подлиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳир — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.55 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6